Ушбу сонда:

2 *Ислоҳот мевалари* МАЛИКЧЎЛ БАҲОДИРЛАРИ

3 САМИМИЙ ҚУТЛОВ

4 ОТЧОПАР МАҲАЛЛАСИДАГИ КЎРКАМ БИНО

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 7 март, сешанба № 39 (2088)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«Ташаббус-2006»

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус-2006" танловининг Қоракалпоғистон босқичи якунланди.

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган элликка яқин тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Танлов доирасида ўтказилган кўргазмада халқ амалий санъати намуналари ва турли уй-рўзғор буюмлари, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган истеъмол моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намойиш этилди.

Танловнинг "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича Нукусдаги "Даврон-Нукус" хусусий корхонаси раҳбари Сайёра Матназарова ғолиб деб топилди. Тахтакўпир туманидаги "Таймбет" фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаров эса "Энг яхши фермер" дея тан олинди. Чимбой туманидаги "Ўтов" масъулияти чекланган жамияти раиси Нурман Исмоиловга "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича ғолиблик насиб этди.

Ғолиблар "Ташаббус-2006" танловининг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Суратларда: Тахиатош шаҳридаги "Гонеш" хусусий фирмаси тўқувчиси Ўғилжон Аразова; танлов қатнашчилари — —Нукус шаҳридаги «Сайёра» тикув цехи ишчилари (чапдан) Таслима Тожиддинова, Дилноза Реимбоева ва Элмира Юсупова.

Б.АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

Эъзоз

ЧУҚУР ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Юртимизда аёлларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу боис барча соҳаларда уларнинг улуши ортиб бормоқда. Айниқса, таълим-тарбия жараёнини аёллар иштирокисиз тасаввур этиш мушкул.

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва тармоқ ходимлари касаба уюшма шаҳар кенгаши ҳамкорликда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида ўтказган "Аёл борки, олам мунаввар" тадбирида мазкур тизим вакилларига чуқур ҳурмат кўрсатилди. Унда пойтахтимиздаги халқ таълими муассасаларида меҳнат қилаётган 500 нафар ўқитувчи-мураббий ва фахрий аёллар иштирок этишди.

Улар шаънига айтилган мақтов сўзлари самимий, кўнгил тўридаги эҳтиром ифодаси тарзида янгради. Муносиб рағбатлантириш сифатида 20 нафар илғор ва фидойи касб соҳибаларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Бундай юксак эъзоздан заҳматкаш хотин-қизларнинг боши кўкка етди.

— Аёл қадрини ҳурматлаб кўрсатилган эътибор менга чексиз мамнуният бағишлади, - дейди Собир Раҳимов туманилик тармоқ касаба уюшмаси фахрийси Адашхон Шарифбоева. — Бу мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган муносабат, ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, десам адашмайман.

Тадбир давомида хонандалар ижросидаги ёқимли куй-қўшиқлар, театр жамоаси томонидан намойиш қилинган "Жайдари келин" спектакли иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

Худди ана шундай байрам тадбири енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлаётган аёллар иштирокида ҳам бўлиб ўтди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири, Икром ХАСАНОВ олган суратлар

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Наврўз байрами арафасида Мирзаобод туманидаги Янгиовул маҳалласида болалар спорти мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Яқин-яқингача қаровсиз ётган майдонда қад ростлаган бу мажмуа баскетбол, волейбол, футбол, югуриш бўйича машғулотлар ўтказишга мўлжалланган. Унинг чор- атрофи тўсиқлар билан ўралди, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, ободонлаштирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ишларнинг барчаси маҳалла аҳли томонидан ҳашар йўли билан амалга оширилди.

ЗУККОЛИК СИНОВИ

Навоий шаҳрида ўтказилган «Ташаббус-2006» кўрик- танловининг вилоят босқичида иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилган 300дан ортиқ маҳсулот намойиш этилди. Танловда илк маротаба касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчи-ёшлари, институт муаллимлари, ногиронлар жамияти аъзолари ҳам иштирок этди.

Фермерлар ўзлари етиштираётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш билан бирга унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бераётгани кўпчиликнинг эътиборини тортди.

* * *

Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунни ёшларга чуқур ўргатиш мақсадида барча таълим муассасалари дастурларига махсус «Истеъмолчилар маданияти асослари» дарслиги киритилган. Мана, уч йилдирки, ўқувчиларнинг олган билимларини синовдан ўтказиш мақсадида бу борада кўрик-танлов ҳам ўтказиб келинмоқда.

Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежида академик лицей ва коллеж талабалари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи-2006» кўрик-танловининг вилоят босқичи иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилган 300дан ортиқ маҳсулот намойиш этилди. Танловда илк маротаба касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчи-ёшлари, институт муаллимлари, ногиронлар жамияти аъзолари ҳам иштирок этди.

Фермерлар ўзлари етиштираётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш билан бирга унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бераётгани кўпчиликнинг эътиборини тортди.

* * *

Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунни ёшларга чуқур ўргатиш мақсадида барча таълим муассасалари дастурларига махсус «Истеъмолчилар маданияти асослари» дарслиги киритилган. Мана, уч йилдирки, ўқувчиларнинг олган билимларини синовдан ўтказиш мақсадида бу борада кўрик-танлов ҳам ўтказиб келинмоқда.

Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежида академик лицей ва коллеж талабалари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи-2006» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда 16 нафар ўқувчи иштирок этди. Бу тадбир вилоят Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш ҳудудий бошқармаси, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танловда Навоий шаҳридаги индустриал-иқтисодиёт касб- ҳунар коллежи ўқувчиси Моҳичеҳра Нормуҳаммедова энг ёш иқтидорли-истеъмолчи деб топилиб, мамлакат миқёсидаги кўрикка йўлланма олди. Навоий шаҳридаги ахборотлаштириш ва компьютер технологиялари академик лицейи ўқувчиси Шавкат Қодиров ҳамда иқтисодиёт академик лицейи ўқувчиси Мадамин Турсунов иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Ғолибларга диплом ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

(ЎзА)

6 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари давлатимиз раҳбарининг маърузаларида баён этилган қоидалар ва хулосаларнинг амалда рўёбга чиқарилиши мамлакатимизнинг изчил ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, мамлакатни ривожлантиришнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш борасида парламент олдига қўйилган вазифаларни бажариш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Масала муҳокамаси чоғида Қонунчилик палатасининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Хусусан, айрим қўмиталар қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ўз вақтида тақдим этмаётганлиги, уларни жиддий камчиликлар билан палата муҳокамасига қўяётганлиги билдирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталари ўртасида аниқ мувофиқлаштиришнинг йўқлиги парламент фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланди.

Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назоратаҳлил фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш учун Олий Мажлис палаталарининг ҳамкорликда самарали ҳаракат қилиши механизмини кучайтириш ва энг аввало, қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида қуйи ҳамда юқори палаталарнинг тегишли қўмиталари ва тузилмалари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларнинг якунларига асосланиб, депутатлар таъкидладиларки, фуқаролар Ўзбекистон раҳбариятининг жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришга, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган йўлини қизғин қўллаб- қувватламоқдалар. Аҳоли шу билан бирга жойларда қонунларнинг ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш истакларини баён этмоқда. Шу муносабат билан назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, маҳаллий Кенгашлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва улар билан биргаликда тадбирлар ўтказиш юзасидан таклифлар киритилди.

Мажлисда Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил фаолияти давомида депутатлик сўровидан янада кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Депутатлик сўрови қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси, мамлакат раҳбарияти қабул қилган қарорларнинг амалда рўёбга чиқарилиши устидан назорат қилишнинг қудратли ва самарали воситасига айланиши зарур. Депутатлик сўровидан фойдаланиш амалдаги қонунда аниқ мустаҳкамлаб қўйилган.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида адолатли таъкидлаганларидек, «Қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш - бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда». Шу сабабли мажлисда депутатларнинг оммавий ахборот воситаларидаги ва сайлов округларида аҳоли ўртасидаги чиқишларини кўпайтириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини тушунтириш учун маҳаллий Кенгашлар вакиллари, олимлар ва мутахассисларни кенгроқ жалб этиш таклиф қилинди.

Депутатлар ўтказилаётган конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларининг самараси кам бўлаётганлигини ҳам таъкидладилар. Айрим тадбирлар расмиятчилик учун ўтказилмоқда, уларда ҳақиқий аҳвол чуқур таҳлил этилмаяпти, мавжуд нуқсонлар аниқланмаяпти, тегишли соҳа мутахассислари кенг жалб этилмаяпти. Ишлаб чиқилган тавсиялар кўпинча манфаатдор давлат органлари ва жамоат ташкилотларига етказилмайди, маъно жиҳатидан юзаки бўлиб, амалий аҳамиятга эга эмас.

Парламент фракциялари вакиллари Қонунчилик палатасининг жорий йил ва келгуси йиллар учун мўлжалланган қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолияти режаларини кучайтириш, мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш, демократик ислоҳотлар ва ижтимоий ҳаётдаги янгиланишларнинг долзарб масалаларини уларда акс эттириш, қонун чиқарувчи орган олдига мамлакат Президенти қўйган вазифаларни бажариш мақсадида ана шу ҳужжатларни танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш ҳамда тўлдириш юзасидан таклифлар киритдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎзА)

Долзарб мавзуда суҳбат

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши тармоқ ходимларига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ҳамда жамоа шартномаларининг ижросини назорат этишдек масалалар билан мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳамда тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг навбатдаги курултойларида ҳам бундан бўнги амалга оширилиши лозим бўлган барча долзарб вазифалар пухта режалаштириб олинди. Мухбиримизнинг Марказий кенгаш раиси Шамсиддин Эсонбоев билан бўлган суҳбатининг мавзуси ҳам шу ҳақда бўлди.

ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

биринчи ўринга қўйилмоқда

— Кейинги вақтда касаба уюшмалари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояловчи энг йирик жамоат ташкилотларидан бири бўлиб қолди. Етакчи сифатида унинг айни пайтдаги фаолиятидан, нуфузидан кўнглингиз тўлаяптими?

— Мен бу саволингизга бир вақтнинг ўзида ҳам, ҳа, ҳам йўқ, деб жавоб берган бўлардим. Чунки, давр олдимизга улкан вазифаларни қўймоқда. Ҳаммасига улгуриш лозим. Шундай экан, биз барча имкониятларни сафарбар этган ҳолда олдимиздаги вазифаларни бажаришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Айни вақтда Марказий кенгаш тизимида 5314 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофига 2 миллион 476 минг 146 нафар аъзони бирлаштирган. Уларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида вазирликлар, қўмиталар, компаниялар, уюшмалар ҳамда инспекциялар билан 16 та жамоа келишувлари тузилган. Айнан ана шу келишувлардаги меҳнаткашларга бериладиган имтиёзлар жамоа шартномаларида ҳам ўз аксини топган. Айни вақтда меҳнаткашлар ушбу муҳим ҳужжатларда акс этган имтиёзлардан баҳраманд бўлишаяпти. Жамоа шартномаларини тузишда иш берувчи томонидан ёлланма ишчиларга бериладиган имтиёз ва кафолатларни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

— Кўпчиликда бу имтиёзлар нималардан иборат деган савол туғилиши ҳам табиий. Шу тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашда жамоа шартномаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боисдан ҳам меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари орқали тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Шуниси қувонарлики, касаба уюшмалари жамоа келишувлари ва шартномалари ёлланма ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишнинг бирдан бир механизми эканлигини жойларда тушуниб етишди. Шу боисдан ҳам бу муҳим ҳужжатга жойларда муносабат тубдан ўзгармоқда. Натижада қабул қилинаётган қатор жамоа шартномаларида ходимларга берилаётган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар кўлами кенгаймоқда. Масалан, бу йил кам таъминланган кўп болали, уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчиларга дори-дармон сотиб олиш учун 91 миллион 780 минг сўм сарфланди. 60 минг 671 нафар кўп болалик аёлларнинг иш вақти ҳафтасига бир соатга қисқартирилди. 1649 нафар меҳнат ногиронлари ҳамда касб касаллигига чалинганларга 21 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Иш ҳақидан қарздорликни камайтириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган йилнинг ўзидагина иш берувчилар олдига 1164 та расмий талабнома қўйилди. Маҳаллий ижро этувчи органларга 343 марта, прокуратура органларига 85 марта, судларга 52 марта мурожаат этилиб, меҳнаткашларга 10 миллиард 774 миллион сўмликдан зиёд иш ҳақи ундириб берилди.

(Давоми 2-бетда)

БОҒЛАР ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПЯПТИ

Жиззах шаҳридаги «Жиззах» мева-сабзавотчилик хўжалиги тугатилиб, 20 гектардан зиёд боғ 19 та лойиҳа бўйича кимошди савдосига қўйилди.

Боғларнинг ҳосилдорлиги, сув таъминоти ва жойлашган ери ҳисобга олиниб, нарх белгиланди. Улар лойиҳа қийматидан бир мунча ортиқ - 11 миллион 711 минг сўмга сотилди.

- Савдо ёпиқ тарзда ўтди, аниқроғи, унда фақат олдиндан шу хўжаликда ишлаб келган ижарачи ва ишчилар қатнашди, - дейди тугатиш комиссияси раиси Саидазим Содиқов. - Ҳар бир лойиҳа учун 2-3 нафардан талабгор ариза берди. Ғолибларни аниқлашда талабгорларнинг шу соҳадаги кўп йиллик тажрибаси, билими, малакасига алоҳида эътибор қаратилди. Хўжаликнинг 865 гектар лалми ери ҳам 13 лойиҳа асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш учун яқин кунларда очиқ тендерга қўйилади.

- Салкам икки гектарлик боғ эгаси бўлдим, - дейди Ваҳоб Жовунов. - Аввал шу боғни оилавий ижарага олиб, ишлаб келаётган эдим. Мулкдорлар сафига қўшилганимдан мамнунман. Очиғи, буни фақат мен эмас, барча қишлоқдошларим орзиқиб кутган эди. Ахир, вилоятдаги фермерлар эришаётган натижаларни кўриб турибмиз. Президентимизнинг қарори билан бу орзуимиз ушалди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида вилоятдаги яна бир хўжалик - Бахмал туманидаги «Гулбулоқ» мева- сабзавотчилик ширкати ҳам тугатилиб, 60 гектар боғ 36 лойиҳа бўйича фермер хўжалиги ташкил этиш учун кимошди савдоси орқали сотилди. Янги фермерлар боғларни «ёшартириш» мақсадида кўчат экишга киришдилар. Минерал ўғитлар билан таъминловчи шохобча, мини банк, ахборот-консалтинг маркази, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси уларга хизмат кўрсата бошлади. Айни кунларда фермер хўжаликлари мева-сабзавотни сотиш, қайта ишлаш билан шуғулланувчи уюшмани тузиш ҳаракатини бошлаб юборди.

Бор бўл, оқибат!

МУРУВВАТЛИ САНОАТЧИЛАР

"Бухородонмаҳсулотлари" акционерлик жамияти маъмурияти ҳамда корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Лазизбек Рамазоновлар яқинда шаҳардаги 28-сонли махсус мактабгача таълим муассасига борганларида тарбия маскани раҳбари Танзила Рамазонова уларни очиқ чеҳра билан қарши олиб, ичкарига бошлади.

— Хуш келибсизлар, — деди у корхона раҳбарларига.

— Болаларга атаганимиз бор эди, шуларни топширсак дегандик.

Бир зумда қалби ўксик болалар Халимжон Шарипов бошлиқ жамоа вакиллари атрофини ўраб олишди. Шу куни корхона маъмурияти томонидан меҳрибонлик уйи болаларига совға-саломлар улашилди. Шунингдек, корхона жамоаси томонидан меҳрибонлик уйи, 23-махсус болалар интернатларига ҳам мурувват ёрдами кўрсатилди.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилида режалаштирилган ишларимиз кўлами кенг, — дейди корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Лазизбек Рамазонов. — Шу асосда дастур ишлаб чиқдик. Бундан ташқари, корхонадаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор бераяпмиз.

Корхонада 455 нафар касабақўм аъзолари бўлиб, уларнинг 93 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бу ерда ишлаб чиқариш суръатларининг ошиши — ишчи-хизматчиларга яратиб берилган қулай шарт-шароитларга боғлиқ. Биз Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши вакили Шуҳрат Нурмуҳаммедов ҳамроҳлигида корхонада бўлиб, бу ерда ишчиларга яратиб берилган шарт-шароитлар билан танишдик.

— Мана бу цехда дон қайта ишланиб, ун қилиб чиқарилади, — дейди цех бошлиғи Дилмурод Тўраев. — Цехимизда 60 киши меҳнат қилади. Уларга барча қулайликлар яратилган. Бундан ташқари, спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Спортнинг волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси турлари фаолият кўрсатиб турибди. Шифокор Муртазо Муродов хизматимизда. Ўтган йили спорт мусобақаларини ўтказиш мақсадида корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан 250 минг сўм сарфланган бўлса, бу йил ушбу мақсадлар учун 400 минг сўм ажратилади.

Корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланилаяпти. Ўтган йили 10738044 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг шу кунигача 735 миллион 690 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Корхона қошида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатаяпти. Бугунги кунда Бухородаги "Кўксарой", "Олтин бошоқ", "Тонг юлдузи" сингари донғи етти оламга кетган новвойхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўпчилик яхши билади. Фурқат Равшанов, Раъно Қамбарова, Азиз Ярашев, Раъно Мирсолиева сингари ишчилар ҳамкасбларига ўрнак бўлиш билан бирга ишлаб чиқаришда фаол қатнашаяптилар.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири

Долзарб мавзуда суҳбат

ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР
биринчи ўринга қўйилмоқда

(Боши 1-бетда)

Кейинги вақтга келиб қишлоқ меҳнаткашларини иш билан таъминлаш масалаларига ҳам тезкорлик, бир вақтнинг ўзида масъулият билан ёндошилмоқда. Жойлардаги ишсизликнинг олдини олиш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномаларига янги иш ўринларини яратишни кўзда тутувчи алоҳида бўлимлар киритилишига эришмоқдалар. Биргина 2004—2005 йиллар мобайнида Республикамиз Агросаноат тизимида 167 минг 900 та янги иш жойлари ташкил этилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Бунда кишиларни меҳнат бозорида давр талабига мос янги касбларга ўқитиш ва ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти.

— **Республикамизда мулк шакли ўзгариб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида янги бир синф — деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил топмоқда. Биринчи даражадаги вазифа уларни аъзоликка жалб этиш ва рисоладагидек хизмат кўрсатишдир.**

— Тўғри айтдингиз. Маълумки, аграр секторида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар шароитида инсон омилига эътибор биринчи ўринга қўйилмоқда. Ушбу вазифани бажаришда биз ижтимоий шерикчилик тамойилига амал қилмоқдамиз. Бугунги кунга келиб агросаноат тизимида 125 минг 668 та фермер хўжаликлари мавжуд. Уларда 1 миллион 954 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Улар ихтиёрида 3 миллион 775 минг гектардан зиёд ер майдони мавжуд.

Ҳозирги вақтга келиб паст рентабелли ширкат хўжаликларини деҳқон-фермер хўжаликларига айлантирилиши натижасида қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ходимларнинг моддий аҳволи яхшиланиб бормоқда. Шу билан бирга фермер хўжаликларини ташкил этилиши қишлоқдаги бир қатор ўткир муаммоларни ҳал этиш имконини бераяпти.

Биз ҳам ушбу жараёнга пухта ҳозирлик кўрдик. Фермер хўжалиги меҳнаткашларини аъзоликка жалб этиш мақсадида Марказий кенгашнинг масъул ходимлари иштирокида ўқув-семинарлари ўтказилди. Уларда фермерлар, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларининг бу ишга мутасадди раҳбарлари иштирок этишди. Бизнинг айни вақтдаги бутун саъй-ҳаракатимиз ташкил этилган фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилотларини тузишдир. Шу билан бирга бутун чоралар билан уларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилмоқдамиз.

Бу ишни тўлақонли амалга ошириш учун туман ва вилоят кенгашлари бир неча йўналиш бўйича иш олиб бормоқда. Масалан, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида туман кенгашининг ҳудудий вакиллиги ташкил этилиб, улар шу орқали тармоққа жалб этилаяпти. Бошқа вилоятларда Агрохизмат маркази, Сувдан фойдаланиш ва Фермерлар уюшмалари қошида бошланғич ташкилотлар тузилиб, ҳар бир фермер хўжалиги билан шартнома асосида иш юритилмоқда. Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида яхши бир тажриба ўтказилди. Унда барча фермер хўжаликлари билан туман кенгаши тўғридан-тўғри иш олиб бормоқда.

Лекин, ҳали бу борада амалга оширадиган ишларимиз анчагина. Бугунги кунда 3 мингдан зиёд фермер хўжаликлари аъзолари касаба уюшма аъзолигига жалб этилмаган. Биз ушбу долзарб муаммони ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солямиз.

Суҳбатдош: Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

Ислоҳот мевалари

МАЛИКЧЎЛ БАҲОДИРЛАРИ

Навоий вилоят чорвадорлари аҳолини гўшт, сут маҳсулотлари, саноатни қоракўл, жун, тери ва бошқа хилма-хил ашёлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшиб келаяпти.

Чўпонлар меҳнати оғир ва машаққатли. Бутун йил бўйи бепоён дашту далаларни кезиб, қиру адирларни оралаб, саҳро тўфонлари, қиш қаҳратони, ёз жазирамаси, куз инжиқликларига бардош бериб, эл-юрт чорвасини кўпайтираётган яйлов баҳодирларининг жасорати таҳсинга лойиқ.

Йўлнинг икки томонидаги кенг сайҳонликлар саксовулзорлар билан ўралган. Яйловнинг доимий ўсимлиги юлғунлар чўл шамолида шовуллайди. Анча вақт кутиб, ҳавонинг дами кесилганидан сўнг йўлга отландик. Туя ўркачли қирлар ортида чўпон ўтовлари кўзга ташланади.

75 минг гектарлик майдонни эгаллаган «Маликчўл» қоракўлчилик хўжалиги чорвадорлари қийинчиликларни мардонавор енгиб, молларни қишдан тўқ ва семиз олиб чиқиш учун астойдил жон куйдирганликлари ўз самарасини берди. Мавжуд 32 та отарга қўшимча ишчи кучлари, техника воситалари биркитилганлиги ҳам жуда асқотди.

— Қиш-қировли кунларда ширкат хўжалиги раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг ғамхўрлигини сезиб, ҳис этиб туридик,- дейди бир отардан икки отар яратган тажрибали чўпон Тожи Жумаев.— Куни-кеча ун, гуруч, ўсимлик мойи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишди.

Маликчўл яйловларида 24 минг бошдан ортиқ қўй-қўзи, кўплаб туя ва йилқи боқилаяпти. Сирож Муҳаммедов, Фозил Носиров, Шуҳрат Андаев, Бобомурод Ражабов сингари бош чўпонлар отарида қишлов намунали ўтмоқда. Бултурги мавсумда 10 минг 80 бош совлиқдан 10 минг 382 та қўзи олиниб, униг 80 фоизи ўстиришга қолдирилди. 2 минг 67 та сифатли қоракўл тери тайёрланди. Олинган соф фойда 20 миллион сўмдан ошиб кетди. Шартномадан ортиқча етиштирилган маҳсулот чўпон-чўлиқларга тарқатилди.

Кези келганда, асосий эътибор қўйлар зотини яхшилашга қаратилганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, Конимех ва Нурота туманларидан наслли қўчқорлар харид қилиниб, зоотехника ва зооветеринария талаблари асосида парвариш қилинаяпти. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «Қоракўлчиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига жиддий аҳамият берилаяпти.

Яйловлар маҳсулдорлигини ошириш, тери ва гўшт берадиган қоракўл қўйлар сонини кўпайтириш, чўл-яйлов мажмуасининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш чоралари кўрилаяпти. Бунинг натижасида хўжаликнинг иқтисодий қуввати ортиб, пудратчилар турмуш шароити яхшиланмоқда.

Шунга қарамасдан, соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас. Кейинги пайтда саксовулзорлар камайиб кетганлиги шулар жумласидандир. Саксовул фойдали экин бўлиб, молларни ёзда иссиқдан, қишда совуқдан асрайди. Бундан ташқари, экин атрофида чорва учун зарур ўсимликлар ҳам кўкаради. Вилоятнинг чорвачилик маҳсулотлари жаҳон бозорида харидоргир. Шу боис Томди туманидаги «Аёққудуқ» наслчилик ширкат хўжалигида 83 минг бош майда мол парвариш қилинаяпти. Бултур ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан қўзи олган чорвадорлар қўй-қўзилар сонини бир йилда 13 минг бошга кўпайтирдилар.

Ширкатда 400 тонна гўшт, 15 тонна сут, 10 минг 500 дона қоракўл тери, 100 тонна жун тайёрланди. Тармоқдан олинган даромад 300 миллион, соф фойда 200 миллион сўмга етди. Хўжаликда етиштирилаётган қоракўл тери хорижга экспорт қилинаяпти. Финландияда ўтказилган халқаро ярмаркада қимматли хомашёни катта қисми сотилаётганлиги бунга аниқ мисол бўлади. Чет элга жўнатиш учун 18 минг 475 дона қоракўл тери етказиб берилди.

Қоракўл терини экспорт қилиш ҳисобидан 106 минг АҚШ доллари миқдорида даромад олинди. Валюта тушуми кўпайганлиги ширкатни иқтисодий мустаҳкамлаш ва чорвадорлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш имконини бераяпти.

— Қоракўл қўйлар асосан тунда ўнлаб километр йўл босиб боқилади, — дейди биз билан суҳбатда «Томди» ширкат хўжалигининг бош чўпони С.Ўтепбоев. — Яйловлардаги янток, шувоқ, қовул, каврак каби витаминга бой ўсимликлар қўйлар учун кони фойда.

...Қизилқум яйловлари дала- даштларда эл-юртга барака киритаётган, чорвадорлар рўзғорини маъмур, дастурхонини тўкин қилаётган минглаб қоракўл қўйлари боқилаяпти. Эришилган натижаларни янада кўпайтириш ва қишловни беталофат ўтказиш фидойи чорвадорларнинг қалб даъватига айланган.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ИМКОНИЯТЛАР САРИ

Тошкентда фаолият кўрсатаётган "Шарқ гули" масъулияти чекланган жамиятнинг бугунги кунда ўз ўрни ва нуфузи бор. Негаки, корхонанинг қўлигул қизлари ишлаб чиқараётган сўзана, лопоп, гул кўрпа, фалак, чойшаб ва ёдгорлик маҳсулотлари харидорлар эътиборидадир.

Муҳими, бу ерда жамоанинг уюшқоқлиги ишнинг унуми ва сифатига яхши самара бермоқда. Бунинг натижасида қизлар фақат каштачилик буюмларини эмас, балки келин-куёв либосларини тикишга ҳам улгуришяпти.

Таъкидлаш керакки, корхона равнақида янгиликка интилиш, маҳсулот турини кўпайтириш ва харидоргирлигини ошириш, ички ва ташқи имкониятлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўтган йили жамият қошида ишга туширилган "Шарқ модели" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси фаолияти айнан шу мақсадга қаратилгандир.

Корхонада болалар, ўсмирлар, аёллар ва эркаклар учун икки юз хилдаги трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқариляпти. Қисқа фурсатда мазкур жамоа ўз харидорларини ҳам топиб улгурди. Айни кунда улар тиккан маҳсулотлар мамлакатимизга ҳамда Россия, Америкага экспорт қилинмоқда.

Суратларда: "Шарқ гули"нинг тажрибали каштачилари (чапдан) Дилором Сагдиева ва Феруза Комилова; тажриба цехи моделчилари (чапдан) Шахноза Абдуқодирова, Мавлуда Болтаева ва Муҳаббат Миродилова.

Тадбиркорлик — давр талаби

Замин саховати деҳқон маҳоратига боғлиқ. У эса азалдан ўзига муносиб ўринбосарлар тарбиялаш, ерни фақат ишончли қўлларга топшириш пайида бўлади. Ана шу азалий одатимиз боис табаррук заминдан қут-барака аримайди.

ФЕРМЕР ЕРИНИ КЕНГАЙТИРДИ

Тақсимотда анча-мунча талаш бўлди. Айниқса, сувга, йўлга яқин пайкалларга даъвогарлар кўп эди. Ҳар тугул кўпчиликнинг орзуси ушалди. Бўрсилдоқ майдонларга от солаётганлар уста пахтакор Эргаш Умаровнинг аризасига ҳайратга тушганди ўшанда. Чунки у хўжаликнинг бир чеккаси, эътибордан четдаги, ҳамма ўзини олиб қочаётган ерни сўраган эди. Шунинг учун тендерни талашиб-тортишувсиз жимгина ютди.

Мана шу воқеага ҳам саккиз йил тўлди. Эргаш аканинг илк иши далада ишлайдиганлар шароитини яхшилаш бўлди. Бийдек далада икки қаватли қўш айвонли деҳқон уйи барпо этди. Атрофидаги 2,5 гектар ерни боғ ва анорзорга мўлжаллади. Атрофига саккиз-ўн нафар фидойини жамлади. Аксарият ҳолларда далада ётиб ишлашига тўғри келди. Тўнғич ўғли Одилбекни шу соҳага ўқитди. Деҳқончилик илмини тўнғич ўғил хотирасига жойлашга интилди.

Ўтган фурсат озмунча елиб-югурмади. Ерни тартибга келтирди. Натижада Эргаш Умаров бошқараётган "Умар ота" фермер хўжалиги ошиғи олчи бўлди. Дала уйида қишин-ёзин уч маҳал қозон қайнатиш одатини ташламади. Кейинчалик ерни тўнғич ўғил Одилбекка топширишга қарор қилди. Ишчилар елкасига тўн ташлаб, устозлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Умаровни нафақага кузатишди. Мана беш йилдирки, Одилбек отаси даласига сардорлик қилаяпти.

— Отамиз ҳар доим далада ишлаётганнинг қорни тўқ, усти бут бўлсин. Чўнтагидан пули аримасин, дея кўп уқтирган, — дейди Одилбек Умаров. — Ўн нафар кишини шартнома асосида ишлатамиз. Ҳар ойда меҳнатига қараб маош тўланади. Мавсумда устама ҳақ тўлаш белгиланган. Бундан ташқари, ишчи коржомаси, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаймиз. Ўтган йили 40 тонна буғдойни ҳар бир ишчининг даромадига қўшимча тарзда тақсимлаб бердик.

Фермер тасарруфида 52 гектар ер майдони бор эди. У ўтган йили 51 гектарга чигит экиб, 56 тонна ўрнига 68 тонна "оқ олтин" сотди. Пахтачиликдаги соф фойда 7 миллион, ғаллачиликдан эса 1 миллион сўмни ташкил этди. Етиштирилаётган анор ва боғ ҳосилидан олинадиган даромад ҳам бундан кам эмас. Тадбиркорлар буни ҳисобга киритишмайди. Негаки, ундан олинаётган ҳосил ишлаётган ходимлар хонадонига тенг тақсимланади. Хўжаликда юзга яқин одам бор. Ишчи фарзандларига йил ўн икки ой дармон-дори мевалар бепул.

Мирзаобод туман ҳокимлиги ўтказган тендерда "Умар ота" фермер хўжалиги ҳам иштирок этди. Деҳқончиликнинг уддасидан чиқмаган кишилар ташлаб кетган ерга даъвогарлик қилди. Ҳалол беллашувда 70 гектарлик майдонни ютиб олди. Эндиликда умумий ер майдони 120 гектарни ташкил этади. Фермер енг шимариб ишга киришган. Тупроқ ҳолатини яхшилаш, ер доғини ювиш рисоладагидек поёнига етказилди. Ариқлар тозаланиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Хайрли, савобли ишларга бош қўшиш тадбиркорлар тамойилига айланган. Ўтган йил фермер хўжалигида ишлаётган бир йигитни уйлаб, икки қизни турмушга узатишган. Ана шу бахт тантаналарига кетган сарф-харажатларни фермер хўжалиги қўтарганлиги эътиборга молик. Кам таъминланган хонадонларга кўмак кўрсатиш, ногирон, боқувчисини йўқотганларга ёрдам беришни тадбиркор канда қилмайди. У Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ана шундай эзгу ишларни янада кўпайтиришга аҳд қилган. Бунинг учун кўпроқ маблағ топиш имкониятлари ахтарилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, хўжалик аъзолари том маънодаги ўз ерининг муносиб соҳиблари ва ифлосланиши ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. 250 туп манзарали ва 150 туп мевали дарахтлар экилиб, парвариш қилинмоқда. 42 тонна чиқиндилар чиқариб ташланди. Иккала қишлоқдаги иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг 70 нафари хусусий дўконлар, тикувчилик, қандолатчилик ишларига жойлаштирилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини яратиш, аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича Фазилат Муқимова намунали иш олиб бормоқда. Фуқаролар йиғини ҳудудида 3 та ўрта мактаб, 2 та врачлик амбулаторияси, 70 та ун тегирмони, 30 та мойжувоз, 28 та савдо дўконлари аҳолига хизмат кўрсатмоқ-

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

СПОРТЧИ ҚИЗЛАР ШАРАФИГА

Пойтахтимизнинг Миробод туманида 8 Март - Хотин- қизлар кунига бағишланган қизиқарли тадбир бўлиб ўтди. У туманда истиқомат қилувчи спортнинг баскетбол, волейбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат, шашка ва эстафета каби турлари бўйича ўтказилган халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган қизлар шарафига бағишланди.

Унда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсонлар сифатида вояга етиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Ана шундай улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ ёшларимиз, жумладан, қизлар спортнинг кўплаб турлари бўйича халқаро ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Улар орасида ўнлаб мирободлик қизлар ҳам бор. Бу туманда хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш ҳамда уларга хос спорт турларини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганининг самарасидир.

(ЎзА)

ГУЛДАН КАМАР БОҒЛАЙДИ

Тўрт йилдирки, Жиззах шаҳрининг Тошкент-Самарқанд йўналишидаги 15 километрли марказий кўчаси ранг-баранг гулларга бурканади. Агар шаҳар ҳудуди тўлиқ кўринадиган Етимтоғнинг устидан ёки самолётдан қаралса, бу манзара шаҳар белидаги гулли камарга ўхшайди.

Айни пайтда шаҳарнинг ушбу анъанавий қиёфасига янада гўзаллик бахш этиш мақсадида гул экиш мавсуми бошлаб юборилди. Ҳозиргача кўчанинг анча қисмига гул экиб бўлинди.

- Бу йил марказий кўчанинг ўзига 1,5 миллион тупдан зиёд беш турдаги гул кўчатларини ўтказяпмиз, - дейди Жиззах шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи Баҳодир Отажонов. - Бу гул кўчатлари ўзимизнинг иссиқхонада парваришланган. Фақат марказий кўчада эмас, шаҳардаги майдону хиёбонлар, боғ-роғлар ҳамда бошқа дам олиш масканларига ҳам гул ва жами юз минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатларини экяпмиз. Айрим кексайиб қолган дарахтлар ўрнига ёш ниҳоллар ўтқазиляпти. Икки минг тупга яқин арча кўчати олиб келинди. Кўкламзорлаштириш билан бир вақтда шаҳарни тозалаш ишларига ҳам эътибор қаратилган.

(ЎзА)

Фаолларимиз

ЭЗГУЛИК БУЛОҒИ

Бир донишманддан сўрадилар; "Эзгулик ва меҳрнинг булоғи қаерда? У жавоб берди; "Барча яхшиликлар булоғи онанинг меҳрли қалбида ва оқил тарбиясидадир"

Дарҳақиқат, дунёда инсон учун энг мукаррам зот саналмиш она зиммасида фарзанд тарбиялашдек ғоят масъулиятли вазифа туради. Она тарбияси фарзанд камолида энг муҳим рол ўйновчи омилларидан биридир. Шунингдек, аёл жамоат ишларида ҳам фаол куч. Аёл –тадбиркор, аёл- раҳбар, аёл- фермер, аёл жамоа етакчиси. Аёлнинг жони қирқта, деб бежизга айтилмаган бўлса керак.

Равзахон Ҳамроқулова ҳам шундайлар тоифасидан. У "Қўқон ёғмой" комбинатида 30 йилдан бери меҳнат қилади. Ўз фаолиятини ишчиликдан бошлаган опа тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли тез орада корхонада ҳурмат қозонди. Кўп ўтмай бош механика бўлимига дастгоҳлар бўйича бош муҳандис вазифасига ўтказилди. Шунингдек, кадрлар бўлими бошлиғи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис бўлди. 2004 йил бошида уни корхона касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайлашди. Шу кундан бошлаб опа корхона ишчи-хизматчиларининг самарали меҳнат қилиши учун қулай дам олиш шароитлари яратиш, маданий–маърифий ва спорт тадбирларини уюштириш, меҳнаткашлар фарзандларини мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун оромгоҳларга йўлланмалар бериш, корхонадаги кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотганларга ҳамда нафақахўрлар ва беморлар ҳолидан хабар олиш сингари хайрли юмушларни ўз зиммасига олди. Бир сўз билан айтганда, ходимлар дарду ташвиши ва қувончига шерик бўлишдек масъулиятни ўз бўйнига олди.

Равзахон опа оилада ҳам бахт топганлардан. Турмуш ўртоғи Шарифжон Мамаюсупов билан икки фарзандни камолга етказиб, уларни меҳнатсевар ва фидойи инсонлар қилиб тарбиялади.

Бугун опанинг қўли-қўлига тегмайди. Корхона аёлларининг кўнглини олиш, уларга совғалар тайёрлаш юмушлари билан банд. Зеро, ўзгалар қувончига шерик бўлиш, "инсонга наф келтириш–олий бахт" эканлигини Равзахон опа яхши билади.

Зоҳид БОЛТАБОЕВ, «Ишонч» мухбири

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

НОГИРОНЛАРГА СИҲАТГОҲЛАРДА ДАМ ОЛИШДИ

Алақўйлак қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1510 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 23 нафари ногирон, 5 нафари тўшакда ётган қаровсиз фуқаролардир. Ногиронларнинг ҳолидан хабар олиниб, ёрдам кўрсатилди. 20 миллион сўмлик маҳсулот кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Бундан ташқари, Музаффар Бобоназаров, Холбобо Самадов, Бурҳон Неъматиллаев каби ҳомийлар томонидан ногиронларга кўмак берилди. Шунингдек, уларнинг чорва-молларига емхашак тарқатилди. 3 нафари энг баҳаво санаторийларда даволаниб келишди. Шунингдек бир болага ногиронлик аравачаси ҳадя этилди. Маҳалла йиғини фаол ва оқсоқоллари ҳамкорлигида Имомёқуб қишлоғида маиший хизмат уйи очилди. Гузар марказларида тикувчилик, сартарошхона, дорихона, оёқ кийимларини таъмирлаш устахонаси ишлаб турибди.

Жамоатчилик асосида 20 километрлик йўл таъмирдан чиқарилди. Алақўйлак ва Имомёқуб номидаги қишлоқларда қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. 250 туп манзарали ва 150 туп мевали дарахтлар экилиб, парвариш қилинмоқда. 42 тонна чиқиндилар чиқариб ташланди. Иккала қишлоқдаги иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг 70 нафари хусусий дўконлар, тикувчилик, қандолатчилик ишларига жойлаштирилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини яратиш, аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича Фазилат Муқимова намунали иш олиб бормоқда. Фуқаролар йиғини ҳудудида 3 та ўрта мактаб, 2 та врачлик амбулаторияси, 70 та ун тегирмони, 30 та мойжувоз, 28 та савдо дўконлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Кам таъминланган оилаларга 25 — 30 сотихдан ер берилиб, иш билан таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилди.

— Аҳолини газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам эътиборимизда, — дейди фуқаролар йиғини раиси Нортожи Жуманов. — Имомёқуб, Алақўйлак қишлоқлари аҳолиси водопровод суви билан таъминланган. Алақўйлак қишлоғидан ўтган қувурлар монтаж қилиниб, табиий газ келтирилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ва жамоаларнинг саъй-ҳаракати билан "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори остида ёшларнинг экстремист гуруҳлар таъсирига берилмаслиги учун тадбирлар олиб борилмоқда. Акмал Тўраев бошчилигида 60 нафардан иборат пособонлар тунги навбатчилик ишларини давом эттирмоқдалар. Улар қишлоқларда участка инспекторлари иштирокида фуқароларнинг осойишталигини назорат қилишга эътибор қаратмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллада яратириш, хотин-қизлар билан ишлаш ва тўй ва маъракаларни тартибли ўтказиш ва жамоат жойларини тозалигини сақлаш каби 11 та комиссия ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалик экинларини қўриқлаш комиссияси саъй-ҳаракати билан 3 та ҳолатдаги тартибсизликка чек қўйилди.

Хайрулла ТЎРАЕВ, Яккабоғ тумани

ТУМАН МАҲАЛЛАЛАРИДА
Ҳуқуқий саводхонликни ошириш куни

Ёш авлод келажак бунёдкори саналади. У оилада, маҳаллада улғайиб, камол топади. Оиласи мукаммал бўлган юртнинг эса истиқболи порлоқ бўлади. Шу боисдан ҳам давлатимиз жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила ва уни ўзида бирлаштирган маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Қилинаётган барча ишлар "Ҳуқуқий онгни ошириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" давлат Дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Яъни дастурни шу тарзда ёшлар онгига сингдириш бирламчи вазифага айланаяпти.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 7000 га яқин аҳоли истиқомат қилаётган "Намуна" маҳалласида ушбу дастур асосида иш режаси тузилиб, аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга мўлжалланган турли семинарлар ўтказилмоқда. Фаоллар аҳоли ўртасида тўғри тушунтириш ишлари олиб бориб, фуқароларнинг, айниқса, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, болалар тарбиясига ота-оналар масъулиятини кучайтириш, вояга етмаганлар орасидаги турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришмоқдалар.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси "Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш"га доир муҳим вазифани белгилаб берди. Туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси бунинг ижросини таъминлаш учун ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини "Ҳуқуқий саводхонликни ошириш куни" деб эълон қилиб, маҳаллаларда бу борадаги тадбирларни бошлаб юборди.

Хусусан, "Намуна" маҳалласида Адлия бош бошқармаси етук мутахассислари, туман ФҲДЁ бўлими, меҳнат бўлими ходимлари иштирокида "Аёл ва ҳуқуқ", "Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш", "Меҳнат кодекси, меҳнат қонунчилиги", "Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми"" мавзуларида тадбирлар бўлиб ўтди.

Захро РАҲИМОВА, «Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Оила рўзғорини тебратишдан тортиб давлат ва жамият қурилишигача, иқтисодиётни ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиётигача — бу соҳаларнинг барчасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган мунис оналаримиз, опа-сингилларимизни 8-Март — Баҳор байрами билан самимий муборакбод этади.

Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Фарғона политехника институтида ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда техника, технология ва иқтисодиёт соҳаларида бешта факультетда 19 та таълим йўналишлари бўйича беш минг нафар талаба таҳсил олмоқда. Ўн бешта мутахассислик бўйича магистратура ҳам энг фаол, иқтидорли талабаларни ўз бағрига олган.

Мазкур ўқув даргоҳида ҳам илмий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар анча ибратлидир. Бу ерда 30 дан ортиқ давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, энг замонавий кутубхонада барча ўқув адабиётлари мавжуд.

Суратда: 2-босқич талабаси Замира Эгамбердиева машғулот пайтида.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Тадбир

БАЙРАМ АРАФАСИДА

Аёллар байрами арафасида яхши кайфият улашиш, турли спорт тадбирларини ўтказиш меҳнат жамоаларида анъанага айланган.

Чортоқ тиббиёт коллежида Халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан касаба уюшма соврини учун ўқитувчи аёллар ўртасида волейбол мусобақаси ўтказилди. Мусобақада айниқса, М.Болтабоева, Г.Исроилова, С.Абдураззоқовалар чиройли ўйинлари билан томошабинларни хушнуд этди. Инглиз тили ўқитувчиси Р.Ғозиева ҳамда кутубхоначи Р.Меҳманевалар 50 баҳорни қаршилаган бўлишларига қарамай бахсларда фаол иштирок этиб, ёшларга ибрат кўрсатдилар.

Мусобақада коллеж жисмоний тарбия ўқитувчилари Б.Каримов ва Р.Нуриддиновлар ҳакамлик қилишди. Баҳслар якунига кўра "Тиллар" кафедраси жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларни "Лаборантлар" жамоаси ва "Шифокорлар" жамоаси банд этди. Ғолибларга совғалар топширилди.

Раъно ИНАТУЛЛАЕВА, коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси

Туҳфа

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида халқ саломатлигини мухофазалаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг касб малакасини оширишга алохида эътибор берилади.

ОТЧОПАР МАҲАЛЛАСИДАГИ КЎРКАМ БИНО

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб, Қаршида қурилаётган кардиология ва урология илмий марказларини ҳам таъкидлаб ўтган эдилар. Ҳақиқатан ҳам қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг Отчопар маҳалласида узук кўзидек ярашиб тушган уч қаватли улкан иморат қад кўтарди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиланишларни ҳомийларнинг кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди. "Ўзбекнефтгазхолдинг" компанияси томонидан янги шифо масканлари қурилиши учун 1 миллиард 450 миллион сўм маблағ ажратилиб, қурилиш-ускуналаш ишлари авж олдириб юборилди.

Ўз тасарруфига 50 қатновга мўлжалланган поликлиника ва 7 та даволаш бўлимлари ҳамда дорихонани бирлаштирган 110 ўринли илмий марказда 29 та врач, 200 дан ортиқ ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари ишлайди. Ҳомий ташкилот томонидан реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари учун 800 миллион сўм маблағ ажратилди. Ўтказилган тендер танловларида Шаҳрисабз туманидаги "Сўғдиёна" масъулияти чекланган жамияти ютиб чиқди. 300 дан ортиқ қурувчидан иборат жамоа ишни кечаю-кундуз ташкил қилиб, тез ва соз олиб борилишини таъминладилар.

Етти-саккиз ой ичида замонавий услубда қайта таъмирланган муҳташам иморат қад кўтарди. Беморлар яшайдиган хоналар асосан бир ва икки кишилик бўлиб, доимий равишда иссиқ ва совуқ сув бериб турилади. Душ ва ванналар қўйилган алоҳида даволаниш хоналари мавжуд. 97 миллион сўмлик янги мебеллар, телевизор, совутгич, музлатгичлар, стол-стуллар, тиббий анжомлар келтирилди. Касалларга ташҳис қўйиш ва даволаш учун тиббий ускуналар сотиб олишга 703,3 миллион сўм сарфланди.

Ётиб даволаниш мажмуасида дам олиш, кийиниш, ювиниш учун алоҳида хоначалар ташкил қилинган. 2,7 километрли қувур тортилиб, ичимлик суви таъминоти тамоман янгиланди, электр ва иситиш тизими тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Марказ ҳудуди кенгайтирилиб, 3 минг тупдан ортиқ арча ва анвойи гуллар экилди. Салқин муҳит яратиш мақсадида 2 та фаввора қурилиб, сув пуркагичлар ўрнатилди.

Марказга 33 йиллик иш тажрибасига эга олий тоифали кардиолог врач Ғулом Комилов раҳбарлик қилаяпти. Шифо масканида функционал диагностика, физиотерапия, даволаш-жисмоний тарбия, уқалаш, жонлантириш, шошилинч ёрдам, қон айланиши бузилиши, реабилитация, артериал-гипертензия, аритмология, лаборатория бўлимлари фаолият кўрсатаяпти. Шифокорлардан 6 нафари республика кардиология илмий марказида малака ошириб қайтдилар. Яна икки нафар врач хорижий давлатларга ўқишга юборилади.

— Юрак инсоннинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи асосий восита ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори Ғ. Комилов. — Янги мажмуанинг фойдаланишга топширилиши шифо масканида нафақат илмий ходимлар, фан докторлари ва номзодлари етишиб чиқишини таъминлайди. Айни пайтда юрак-қон томир касалликларини аниқлаб, ўз вақтида даволаш имкониятини беради. Яқин фурсат ичида кардиохирургия бўлими ҳам ташкил этилиб, юрак операцияларини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, физиотерапия бўлимида турли ванналар қабул қилиш, иссиқ қум, балчиқ билан даволаш усуллари ҳам йўлга қўйилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Турсун Ҳайдаров, олий тоифали юрак-қон томир касалликлари шифокорлари Зокир Ғаниев, Аҳмад Абдураҳмонов, Шокир Раҳматуллаев, олий тоифали ҳамширалар Лобар Эштўхтаева, Жамила Расулова, Тозагул Сафарова, Гулжаҳон Ҳамроева каби саломатлик посбонлари одамлар дардига даво топиш учун камарбаста бўлаяптилар.

Яқинда марказга "Дамас" русумли янги автомашина топширилди. Хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган рентген, эхокардиограф, кардио-монитор, ВЭМ тўплами ва бошқа жиҳозлар келтирилди.

Кўркам ва чиройли шифо масканининг қуриб фойдаланишга топширилишида Суҳрот Асқаров раҳбарлик қилаётган бунёдкорлар жамоасининг қўли гул қурувчилари хизмати беқиёс.

И.ИСОМИДДИНОВ

Қадриятларимиз

— Одам бир-бирини ҳамиша йўқлаб туриши керак, ҳамма бу дунёга омонат, - дер эди ҳаётнинг аччик-чучугини кўп тотиб кўрган Ўктам момом.

ҚАНЧА КЎП МЕҲР КЎРСАТСАНГ шунча кўп меҳр оласан

Ҳа, яқинларимиз дийдори биз учун дунёдаги ҳамма нарсадан азиз ва қадрли! "Энанг айлансин, болам, ҳар куни эрталаб эшигимга бош суқиб "қандай ўтирибсиз?" десанг бас, то кейинги сафар келгунингча кўнглим осмонларда учиб юради!" дейди момом ҳар битта неварасини алқаб суяркан.

Ўзим ҳам тез-тез Самарқандга бораман. Она қишлоғим, туғилиб ўсган манзилимда мени кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирадиган онаизорим йўл бўйи кўз ўнгимдан ўтаверади. То уйга етгунимча учраган ҳамқишлоқларимга меҳр ва соғинч билан боқаман, уларнинг тинч-омон эканликларини кўриб шукр қиламан.

Яна Ўктам момомнинг ҳикматона гаплари ёдимга тушади.

"Она юртинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас!"

Эл тинч бўлса-юрт омон, дунёда ўзинг яшаб турган маконнинг бехатарлиги, дўст-ёру ҳамқишлоқларингнинг шод-хуррамлигидан азизроқ нарса борми, ахир? Ҳар гал зиёратига борсам, у кишидан қадимги бир ривоятни эшитиб қайтаман.

Эмишки, отаси қазо қилгач, онасининг аҳволидан хабар олишни унутган уч ўғилни қишлоқ оқсоқоли чақириб, "Онанг оғир бетоб, розилигини олиб қолинглар? дебди. Ўғиллар бу гапга парво қилмабдилар. Фақат онаизор фарзандларига илҳақ бўлавериб қийналиб жон бергандан сўнггина унинг жанозасига боришибди. Шунда бутун қишлоқ аҳли бу учала ўғилни лаънатлашибди. Онасини тириклигида, узоқ йиллар ақалли бир марта йўқламаган уч ўғил элюрт қарғишини эшитгач, алам билан кўз ёш тўкибдилар. Кўзларидан ёш эмас, қон оқа бошлабди...

Меҳр-оқибат ҳақида кўп гапирилади. Аслида инсоннинг ўз яқинларига бўлган меҳри ва садоқати юртига бўлган меҳру садоқати билан баробардир. Ахир ён-атрофдагиларга эзгулик улашолмаган одам юртига муносиб фарзанд бўлармикин?! Яқин кишиларига меҳр кўрсатиб, уларнинг оғирини енгил қилаолмаган киши эса ўз фарзандларига меҳр-оқибат тарбиясини беролмайди!

Ўктам момом қишлоқнинг кайвониси, яъни бу жойдаги ҳар бир тўй-маъракада бошқош. Онаизорим ҳам шу момомнинг хайрли-савобли юмушлари ҳақида кўп сўзлайди. Ҳар бир ҳамқишлоғини "Энанг айлансин" деб дуо қиладиган Ўктам момо уларга "бир-бировларингни йўқлаб туринглар" дейишни ҳеч унутмайди.

— Кўнгли ярим одамнинг доим ёнида бўлинг, сизни кўрса дардини унутади,- дейди момо шу қишлоқнинг ўғил-қизларига. — Уларга бирор ёрдам кўрсатиш иложини топмасангиз яхши сўз айтиб кўнглини кўтаринг!

"Яхши сўз ҳам садақа" дейишади кексаларимиз.

"Қанча кўп меҳр кўрсатсанг, шунча кўп меҳр оласан" — бу ҳам ўтган замонлардан мерос қолган ҳикмат. Ён-атрофимиздагиларга меҳр кўрсатсак, бу меҳримиз бир неча ҳисса бўлиб ўзимизга қайтаркан! Ҳамқишлоқларимизни, дўст-ёрларимизни соғ-омон кўриш ҳар биримизга насиб этсин. Кексалар дуосини олмоққа шошилайлик, азизлар!

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

Пойтахтдаги «Гранд мир» мехмонхонасида республика мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга бағишланган «Энг яхши расм ва унинг энг яхши изоҳи» танлови якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЭНГ ЯХШИ РАСМ ва унинг энг яхши изоҳи

Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунини амалга оширишда механизмини такомиллаштириш мақсадида 2004 йилда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Чиқиндиларни бошқариш" лойиҳаси иш бошлаган эди. Тадбирда сўзга чиққанлар лойиҳа доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида иштирокчиларга маълумот беришди.

- Республикамизда ҳар йили 300 миллион куб метр атрофида маиший, 100 миллион куб саноат чиқиндилари ҳосил бўлади, - деди лойиҳа раҳбари Р.Маматқулов. - Уларни қайта ишлаш ва бартараф этишда маълум чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Лойиҳанинг асосий мақсади ҳам шунга қаратилган. Лойиҳа доирасида қатор тадбирлар, семинарлар ташкил этилди. Асосий мақсадимиз ҳам Ўзбекистонда Чиқиндилар бошқаруви бўйича миллий стратегия тузиш ва ўша стратегия асосида биринчи беш йиллик ҳаракат режасини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадбирда «Таъсирчан тасвир», «Ижодкорлик», «Фантазия», «Энг ёш иштирокчи» йўналишлари бўйича аниқланган ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

«Туркистон-пресс»

КЎРИК – ТАНЛОВ

Жиззах вилоятининг ҳар бир туманида "Наврўз" умумхалқ байрами, Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган фольклор жамоаларининг халқ удумлари, халқ оғзаки ижодиёти, халқ ўйинлари ва ҳаваскор жамоаларга бағишланган кўрик-танлови ўтказилди. Танловнинг асосий мақсади халқ қўшиқчилиги, истеъдодли қўшиқчиларни топиш, унутилаётган бахшичилик санъати халқ оғзаки ижоди намуналарини топиб, уларни ёшларга ўргатиш ҳамда омма орасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Кўрик-танловда ўзларининг сермазмун дастурлари билан 1-ўринни "Зебохон" жамоаси, 2-ўринни "Боғдон гуллари" фольклор жамоаси ва 3-ўринни "Сайқал" фольклор жамоаси эгаллади.

М. КАРИМОВА

ВИЛОЯТ КЎРГАЗМАСИ

Бухоро вилояти халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази қошидаги "Ситора" халқ кинофотостудиясининг кўргазмалар залида ҳаваскор фотосуратчиларнинг вилоят кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан иштирокчилар қатнашдилар. Тадбирда 30 га яқин фото ҳаваскорларнинг ишлари кўргазмага қўйилди. Мустақил Ўзбекистонимиз ҳаёти, унинг гўзал табиати, бахтли болалик ҳақидаги суратлар кўпчиликда таассурот қолдирди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра 1-ўрин вобкентлик Элёр Неъматовга, 2-ўрин Жондор туманида яшовчи Хулкар Остановага, 3-ўрин Бухоро шаҳридан Ҳамза Ҳасановга насиб этди.

Ғолиблар ташкилий қўмитанинг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Совринли ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг фото ишлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ҳаваскор фото суратчиларнинг Республика кўргазмасида намойиш этилади.

Д.УМАРОВА

Спорт оламида

Шоҳмот

ЛЕКО -ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Дунёнинг энг кучли саккиз шоҳмотчиси айни кунларда Линарес шаҳрида давом этаётган йилнинг энг нуфузли турнирида иштирок этмоқда. Навбатдаги 10-турда турнир карвонбошиси венгриялик Пётр Леко россиялик Свидлерга қарши оқ доналарда ўйнади. Учрашув дуранг билан якун топди. Амалдаги жаҳон чемпиони Веселин Топалов ҳамда Левон Ароян ўтасидаги ўйинда болгар шоҳмотчисининг қўли баланд келди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Василий Иванчук – Темур Ражабов - 0:1, Франциско Вальехо - Этьен Бакро –0:1

Турнирда Пётр Леко пешқадамлик қиляпти. Кейинги ўринларда Л. Ароян, В.Топалов, Т. Ражабов, П. Свидлер, В.Иванчуклар боришмоқда.

Футбол

"МАРСЕЛ" САФИДА ЯНА БИР РОССИЯЛИК

Франциянинг энг машҳур клубларидан бири "Марсел" ўз сафига россиялик ўн тўққиз ёшли истеъдод эгаси Назир Кажаровни қўшиб олди. Москванинг "Спортакадемклуб" жамоасида сўнгги мавсумни ўтказган футболчи ярим ҳимояда тўп суради. Ҳозирча у билан олти ойлик шартнома имзоланган.

Кажаров асли Нальчик шаҳри фуқароси бўлиб, ушбу жамоада тўп сураётган учинчи россиялик футболчи саналади. Ундан аввал "Марсел" сафида Игор Доброволский ҳамда Дмитрий Сичёвлар ўйнаганди.У ҳозирда жамоанинг асосий таркиби билан машғулотларда қатнашмоқда.

АБРАМОВИЧ ЖАМОАСИ ОҚЛАНДИ

Англия футбол ассоциацияси Лондоннинг "Челси" жамоаси устидан олиб бораётган тергов ҳаракатларини тўхтатди. Асосан футболчиларга иш ҳақлари тўлаш қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бунга сабаб бўлганди. Бу шубҳаларга аввалда "Челси" жамоаси таркибида тўп сурган, ҳозирда "Милдсбро" сафида ўйнаётган Жимми Флойд Хасселбайнкнинг автобиографик китоби асос бўлганди.

Маълум бўлишича, 2003-2004 йиллар "Челси" жамоаси сафида ўйнаган футболчи "Чемпионлар лигаси баҳсларида чорак финалда "Арсенал"га қарши кечган ўйиндан сўнг ғалаба учун жамоа эгаси Роман Абрамович футболчиларга икки хисса ҳақ тўлагани" ни ёзганди. Англиядаги футбол қоидаларига кўра, жамоалар мавсум бошиданоқ ўз бонусларини ишлаб чиқиши ва ундан четга чиқмаслиги лозим эди. Бироқ, олиб борилган текшурувлардан сўнг, "Челси" жамоаси ҳеч қандай қоидани бузмаганлиги аниқланди.

Энди, бу можаро китоб муаллифининг ўзига қимматга тушмаса бўлгани. Чунки, у Англия футболи нуфузига зарар келтирганликда айбланиши мумкин.

Бокс

КОСТЯ ЦЗЮ РИНГГА ҚАЙТАДИМИ?

Жаҳоннинг энг машҳур боксчиларидан бири Константин Цзю яна рингга қайтиши мумкин. Аммо, унинг содиқ мураббийи Жонн Льюис шогирдининг рингга қайтмагани мақуллигини билдирган.

-Чунки, Костя исботлайдиган нарсанинг ўзи қолмади,-деган у. Боксчининг менежери Мэтт Уотт эса Костяда ўйлаб кўриш учун ҳали яна уч ой вақт борлигини айтган. Шунингдек, унинг "Шоу-тайм" телеканали билан яна битта жангга шартномаси мавжуд.

-Жоннинг фикрларини ҳурмат қиламан. Аммо, барибир ҳал қилувчи қарорни боксчининг ўзи айтади,-деган у.

Машҳур боксчи мураббийи сўзларига қулоқ тутадими ёки бошқача қарор қабул қиладими, буни ҳадемай билиб оламиз.

Теннис

НАДЕЖДА ПЕТРОВАНИНГ ҒАЛАБАСИ

Қатар пойтахти Доҳада АТР таснифига кирувчи халқаро аёллар турнири ниҳоясига етди. Турнирнинг иккинчи рақамли теннисчиси россиялик Надежда Петрова финалда франциялик Амели Моресмо устидан 6:3, 7:5 ҳисобида зафар қучди.

Ўз профессионал фаолиятида икки бор тўқнаш келган теннисчи қизлар баҳсида Петрова бу сафар ҳам ғолибликни нишонлади. Бу ғалабадан сўнг россиялик теннисчи қиз АТР таснифида сакизинчи ўринга кўтарилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ тайёрлади

НИКОҲ РАМЗИ

Маълумки, ҳозирги замонда келин-куёв тўйини никоҳ узугисиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, бу одат турмушимизга шунчалар сингиб кетдики, бозор иқтисодиётининг қийинчиликлари ҳам бу анъанани тўхтата олмади.

Қадимда кўчманчилар ўз севгилисини қочиб кетмаслиги учун оёқларига ялпиздан ўралган чамбар билан боғлаб қўйишар экан. Кейинчалик ялпиз ўрамаси чарм билан алмаштирилди. Сўнгроқ эса тош узуклар пайдо бўлди.



Римликлар ўз қайлиқларининг нозик бармоқларига дастлаб темир, кейинроқ тилла узук тақишга одатланишди. Ўз навбатида келинлар ҳам жуфтларига муҳаббат рамзи сифатида узук тақадиган бўлдилар.

XV асрда Европадаги қирол саройларида Ҳиндистондан келтирилган олмослар кенг тарқалиб кетди. Узукни олмос билан безатиш ҳам урф бўлди.

XVI асрдаги қўшқават никоҳ узукларига "Осмондан ерга тушган никоҳни одам қўли билан ажратиш мумкин эмас" дея муносабат билдирилган. Узукларни ёқутлар билан безаш фақат киборлар ҳаётигагина хос бўлиб қолди. Лекин 1554 йилда Мария Теодор Испаниянинг бўлажак қироли Филипп II га турмушга чиққанида бармоғида оддийгина никоҳ узуги бор эди.

Ўнг қўлдаги тўртинчи бармоққа узук тақиш қадимги Мисрда одат тусига кирган. Ўшанда Фиръавнлар тўртинчи бармоқни юрак клапанлари билан алоқаси бор деб ҳисоблашган ва шунинг учун ҳам ўша бармоққа никоҳ узугини тақишган.

А.АЛИЕВ тайёрлади

Биласизми?

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР

Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд драма ва мусиқали театри одатдагидек туманларга анъанавий ижодий сафарлар уюштириб, тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, театр якинда Иштихон туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўз ижодий дастурларини намойиш этди.

Дастурдан турли саҳна асарларидан парчалар, ичакузди ҳангомалар, куй ва қўшиқлар ўрин олган. Кўрсатилган томошалар билан бир қаторда "Санъат асарларининг тарбиявий аҳамияти" хусусида суҳбат, баҳс-мунозаралар ҳам уюштирилди.

Р.ОРИПОВ

Ўқинг, қизиқ!

ТАҚДИР ТАСОДИФЛАРИ

Тўрт авлод мобайнида фарзандлари ҳеч бир узилишсиз бир кунда - 26 мартда таваллуд топаётган Йокогама шаҳрида истикомат қилувчи япон оиласи Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган эди. Киодо Цусин ахборот агентлиги энди бу узвийлик Лондон шаҳрида расман ажойиб ходисалар ва муваффақиятлар қайд этилган янги рўйхатга кўшиб кўйилганини хабар килди.

Рекорд ўтган йил 26 март куни Хироси Масуди оиласида Мион исмли қизча туғилганда ўрнатилган. Айнан ўша куни чақалоқнинг отаси ўзининг 42 ёшини, бобоси Минао эса таваллудининг 72 йиллигини нишонлаётган эди. Шу аснода оила аъзолари 1899 йил 26 мартда туғилиб, 1972 йил вафот этган катта бувалари Канаморини ҳам ёд этишди. Бу ғаройиб анъанани Канамори бошлаб берган эди.

Қизалоқ Мионнинг 43 ёшли онаси буларнинг барчасига тасодиф сифатида қарамоқда. Шифокорлар унга 25 март куни кўзи ёришини айтган эди. Аммо қизалоқ 26 мартга ўтар кечаси дунёга келди. Мионнинг отаси бу ҳодисани тақдир туҳфаси, деб ҳисоблайди. Айтишича, бобоси ва отаси сингари бир кунда туғилганига аввал ажабланмаган, лекин ўз қизи ҳам айнан 26 мартда туғилгандан кейин у тақдири азалга ишона бошлаган.

(ЎзА)

Республика Кўчмас мулк биржаси биржа савдоларига таклиф этади!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан РКМБ тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига **"Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali" маклерияти** орқали 2006 йил 6 мартдан қуйидаги давлат улуши биржа савдоларига чиқарилган.

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Худойқулов кўчаси, 53-уй манзилида жойлашган **"2-AVTOSOZLASH ZAVODI"** МЧЖ Низом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич баҳоси — 128 752 200 сўм.

Савдоларда РКМБ рўйхатидан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хоналар.
Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72, 144-44-73.

Эслатма: *РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Навоий вилояти Вакиллиги ҳисобчиси Гулнора Мазитовага волидаи муҳтарамаси

Кутфия МАГРУБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

12345